

Ҳақсввар, она юрт, мангу бйл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 10 декабрь, чоршанба • №99 (11.590) • Эркин нархда сотилади

ТАНТАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ



Мамлакатимизда республикамиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 11 йиллиги муносабати билан тантаналар, тадбирлар давом этмоқда. Бу бежиз эмас.

Конституция нафақат бугунги ҳаётимиз, балки юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишининг ҳуқуқий пойдевори, кафолатидир. Энг муҳими, Асосий Қомусимизнинг ҳар бир бандида инсон, Ўзбекистон фуқаросининг манфаатлари, орзу-

умидлари, тинчлиги, осойишталиги, эркин яшаш, яратувчилик ҳуқуқлари ўз ифодасини толган.

Шу йилнинг 6 декабрь куни вилоят ҳокимлигида Конституцияимизнинг 11 йиллигига бағишлаб вилоятдан сайланган Олий Мажлис ва вилоят Кен-

гаши депутатлари, таълим, маданият ходимлари, фаоллар иштирокида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда бу сўзлар бот-бот тилга олинди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Умнат Мирзақулов бошқарди.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий ўзгаришларда, эришилаётган ютуқларда сўзсиз Тошкент вилоятининг ҳам ўз ўрни, салмоқли ҳиссаси бор. Биргина 2003 йилнинг ўзида вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида кенг қўламдаги бунёдкорлик, яратувчилик ишлари олиб борилди. Саноат, қишлоқ ишлаб чиқариши ва халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Юздан ортиқ коллеж, лицей, мактаб, соғлиқни сақлаш муассасалари, савдо шохобча-

лари ва бошқа кўплаб ижтимоий объектлар фойдаланишга топширилди. «Обод маҳалла йили» муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда бунёд этилган янги маҳалла гузарлари, маданий, маиший бинолар 2003 йилга алоҳида кўрк бағишлади.

Тантанали маросимда ана шулар ҳақида гапирлар экан, вилоятимиз фаоллари ва жамоатчилиги томонидан Президентимизнинг келгуси — 2004 йилни мамлакатимизда «Меҳр ва мурувват йили» деб аташ тўғрисидаги таклифи кўтаринки руҳ билан кутиб олинди. Зеро, Юртбошимизнинг бу таклифи замирида катта маъно бор. Меҳр-мурувват кўрсатиш, фидойилик, эл-юрт, одамларнинг оғирини енгил қилиш бизнинг қадимий анъаналаримиздандир. Қолаверса, бу шиор, бу ҳаракат остида биз «Обод маҳалла йили»да бошлаган ишларимизни давом эттираимиз.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТЛАРДА: мукофотларни топшириш пайти.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

10 декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси
Давлат мадҳияси
қабул қилинган кун

БАРЧАМИЗ БИРГА КУЙЛАЙДИГАН ҚЎШИҚ

Вақтнинг югуриклигини-ю, умрнинг оқар сувлигини қаранг: биз бундан беш ойча бурун — авжи ёз палласи Давлат гербимизнинг 11 йиллигини фахрли ёдга олгандик. Ҳаял ўтмай, Мустақиллигимизнинг 12 йиллигини тантанали нишонладик. Ноябрнинг ўн саккизига келиб, Давлат байроғимиз жорий этилган кун муносабати билан бир-биримизни қутладик. Ва ниҳоят, ўтган душанба Бош қомусимиз — Конституцияимизнинг 11 йиллигини кенг байрам қилдик. Бугун жа яна бир қутлуғ санани — мамлакатимиз мадҳияси қабул қилинган кунни қарши олаямиз...

(Давоми 2-бетда).

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

2003 йил 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Абдулазиз Комилов Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Бушга ишонч ёрлиқларини топширди.

Ёрлиқларни топшириш маросимидан сўнг бўлиб ўтган қисқа суҳбат чоғида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ҳамда уларни ривожлантириш истиқболларига оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашинди. АҚШ Президенти Жорж Буш икки мамлакат ўртасида муваффақиятли ривожланаётган дўстона муносабатларни юқори баҳолади ва уларнинг янада чуқурлашишига ишонч билдирди. У, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга самимий хурмат сўзлари ва ўзининг энг эзгу тилаklarини йўллади.

«Жаҳон» АА.

Бунёдкорлик

ҲАММАСИ АҲОЛИ УЧУН, ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

Тоғди Бўстонлик туманининг бетакрор гўзал табиати таърифга муҳтож эмас. У алақачон «Ўзбекистоннинг Швейцарияси» номини олган.

Ана шу мусаффо ҳаво ва гўзал табиий бой ҳудудда, айниқса, мустақиллик йилларида турли ижтимоий-маданий объектлар қуришга эътибор кучайди. Хусусан, туман аҳолисининг оғирини енгил қилишга, турмуш маданиятини юксалтиришга хизмат қилувчи маиший объектлар қурилиши кўлами янада кенгайди. Жумладан, аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик сув билан таъминлашга, айниқса, устуворлик берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 11 йиллиги арафасида бир қатор ана шундай объектлар фойдаланишга топширилди.

Коронкул — тумандаги аҳоли зич яшайдиган энг йирик қишлоқлардан бири. Бу ерда истиқомат қилувчи оилалар йил сайин кўпайиб, бугунги кунда 584 тага етди. Уларда яшовчилар сони эса 2700 кишидан ошди. Табиийки, аҳоли сони ошиши билан биринчи навбатда ичимлик сувга бўлган талаб ҳам кучайиб боради. Шуни ҳисобга олган ҳолда туман ҳокимлиги ташаббуси билан Чорбоғ сув омборидан қишлоққа 8,5 километр узунликда ичимлик сув қувурларини тортиш режалаштирилиб, 2000 йилда қурилиш ишлари

(Давоми 2-бетда).

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн учинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси эртага, 11 декабрь куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 10 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва эртага, 11 декабрь куни соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига

Олий Мажлисида бугун, 10 декабрь куни соат 15.00 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки, "Адолат" Социал-демократик партиясининг фракцияси ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

ТАНТАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Маълумки, республикаимиз мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида Президентимизнинг Фармонлари билан мамлакатимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиб, меҳнатда, ҳаётда алоҳида ўрнатқан, юрт фаровонлигига катта ҳисса қўшган бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг

(Давоми. Боши 1-бетда).

юксак мукофотлари билан тақдирланган эдилар. Уларнинг орасида Тошкент вилоятининг ҳам муносиб вакиллари бор. Айниқса, «Ўзбекистон металлургия комбинати» ҳиссадорлик жамиятининг пўлат эритувчиси Абдурахмон Абдураззоқовга юксак мукофот — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонининг берилиши вилоятимиз ишчи-хизматчиларининг меҳнатига берилган

муносиб баҳо, албатта. Тантанали йиғилиш ана шу юксак мукофотларни топшириш тадбирига уланиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Эркин Халилов Президентимиз номидан вилоятимизнинг ишлаб чиқариш илгорлари, таълим, маданият, маънавият соҳалари фидойиларига Ватаннинг юксак мукофотларини топширар экан,

уларга ва барча вилоятимиз аҳлига келгуси ишларида янада катта муваффақиятлар тилади.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони Абдурахмон Абдураззоқов, Ўртачирчиқ туманидаги «Тўйтепа металл қурилмалари» акциядорлик жамияти раиси, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» унвони соҳиби Омонулла Исломов, Олмалиқ шаҳар «Алмалиқский рабочий» газетаси мухбири, «Шухрат» медали соҳиби Ольга Блинкова, Янгийўл туманидаги 1-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячи-

си, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондори Светлана Ким, «Курама» ашула ва рақс ансамблининг бадий раҳбари, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» унвони соҳиби Тошпўлат Маткаримов ва бошқалар ўз меҳнатлари Ватанимизнинг юксак мукофотларига муносиб қўрилганлиги учун ўзларининг чуқур миннатдорчиликларини билдириш эканлар, келгусида Ватан тараққиёти ва равнақи йўлида янада куч-ғайрат билан меҳнат қилажакликларини айтдилар.

Ўз мухбиримиз.

БАРЧАМИЗ БИРГА КУЙЛАЙДИГАН ҚЎШИҚ

1990 йил кўкламида Юртбошимиз ташаббуси ва мардона саъй-ҳаракатлари тўғрисида республика парламенти сессиясида давлатимиз рамзлари ҳақидаги масала атрофича муҳокама этилди. Уша йил 20 июнда Мустақиллик декларацияси қабул қилинди. Унда Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини, ўз номини белгилаши ва ўз давлат рамзларини ўзи таъсис этиши рўй-рост битиб қўйилди. Бу ҳали шўролар ҳукумати таназзулга юз тутмаган, унинг сиёсати ва қонунлари, давлат рамзлари амалда бўлган бир пайтда ўт билан ўйнашига баробар эди. Таъбир жоиз бўлса, мисли қўрилмаган катта журъат ва оламшумул жасорат эди.

Қарангки, ниятимиз холис, йўлимиз ойдин экан. Кўп ўтмай, республикаимиз росманна Истиклолга эришти. Унинг шарофати ўлароқ, асрий орзуларимиз бирин-бирин ушала бошлади. Жумладан, 1991 йил 18 ноябрда Давлат байроғимиз, 1992 йил 2 июлда гербимиз, 8 декабрда Конституциямиз қабул қилинди. 10 декабрь куни яна бир тарихий воқеа рўй берди. Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида умумхалқ муҳокамалари натижасида танлаб олинган, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеъри ва Ўзбекистон халқ артисти, машҳур бастакор Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов мусиқаси жўрлигида яратилган Давлат мадҳиямиз тасдиқланди. Шундай қилиб, биз бутун халқимиз жўровозликда куйлайдиган Ватан қасидасига эга бўлдик. У мустақил давлатимиз тузуми, халқимиз салоҳияти ва менталитети, мамлакат иқтисодий асослари каби муҳим жиҳатларни англагандиган бошқа тирмолларимиз қаторидан муқим ўрин эгаллади.

Ушандан буён Ватанимиз тонги хурриятимизнинг муаззам садоси сифатида дунёга келган ўз мадҳиямиз билан бошланади. У энг улғ ва энг азиз байрамларимизда, мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим тарихий саналар нишонланаётганда, халқаро анжуман ва учрашувларда, йирик тадбирларда, аскарларимиз қасамёд қабул

(Давоми. Боши 1-бетда).

қилаётган онларда, ўқувчи-талабаларимизнинг кундалик сабоқлари бошланиши олди-дан авж пардаларда янграйди. Юртимизга келаётган танли давлат ва ҳукумат раҳбарлари, машҳур сиёсат арбоблари ҳам мадҳиямиз садолари остида кутиб олинади ва кузатиб қўйилади. Айни чоғда, у Юртбошимиз жаҳоннинг турли давлатларига ташриф буюрганида, нуфузли халқаро ташкилотлар минбарига дадил кўтарилаётганида озод ва обод Ўзбекистонга эҳтиром рамзи сифатида ижро этилади. Шунингдек, халқаро микрос-даги сиёсий, маданий-маърифий тадбирларда қатнашаётган мамлакатимиз вакиллари, жаҳон мусобақаларида голибликни қўлга киритаётган спортчиларимиз шарафига байроғимиз эркин ҳилпираётган дамларда ҳам баралла жаранглайди.

Бинобарин, мадҳиямиз бугунга келиб, халқимиз ҳаёти ва онг-шуурига чуқур сингиб кетди. У хурриятимизнинг бетакрор таронаси, эл-юртимиз шарафи, фахри, жаҳоний эътирофи рамзи сифатида ардоқ топди. Шу боис ҳар гал уни қўлимизни кўксимизга қўйиб тинглаганимизда, жаннатмонанд ўлкамизнинг бепоён сарҳадлари, унумдор далалари, ям-яшил адир-яйловлари, серҳосил боғ-роғлари, пурвиқор тоғлари, жўшқин дарёлари-ю ўйноқи сойлари кўз ўнгимизда гавдаланади. Пировардида қалбимизда ўз юртимиздан чексиз гурур ва ифтихор, унга меҳр-муҳаббат ва вафо-садоқат туйғулари жўш уради. Вужудимизни яратувчилик ва бунёдкорлик ғайрат-шижоати чулғаб олади.

Мухтасар қилиб айтганда, мадҳиямиз ҳар ишда бизга мададкор бўлади. Барчамизни мудом эзгуликка ундаб, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади. Шундай бўлиши табиий ҳам. Негаки, халқ яратган қўшиқ ҳеч қачон тилдан тушмайди, ҳеч қачон ўлмайди. Ана шундай сўнмас қўшиғи, дунёга дадил айтир сўзи бор халқ эса ҳеч қачон завоқ кўрмайди. Мадҳиямиз ана шундай жиҳатлари билан биз учун бениҳоя кадрлидир.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ.



ҲАММАСИ АҲОЛИ УЧУН, ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

бошлаб юборилган эди.

Туман ҳокимлиги 46 миллион сўмлик, яъни зарур бўладиган металл қувурларнинг 72 тоннасини олиб берди. Қолган 60 тоннаси аҳоли ҳисобидан, шунингдек, «Чорбоғ ГЭС қурилиши», туман автомобил йўллари бошқармаси сингари ҳомий ташкилотлар томонидан харид қилинди. «Нуроний севинч» фирмаси қурилиш-монтаж ишларини бажаришни ўз зиммасига олди.

Аҳиллик ва ҳамжиҳатликда бошланган хайрли иш қисқа муддатда муваффақиятли якунланди. Қоронкул қишлоғи аҳолиси тоза ичимлик суви билан тўла таъминланди.

Тумандаги «Озодбош» қишлоғи «Наврўз-1» маҳалласи аҳолисининг ҳам бугун қувончи чексиз. Маҳалладаги 150 та хонадон табиий газ билан таъминланди. Бунинг учун 2400 метр масофага газ қувурлари тортилиб, хонадонларга уланди. Фақат бугина эмас. Қишлоқ аҳлининг яна бир эзгу орзуси рўёбга чиқди. Чирчиқ шаҳри билан «Наврўз-1» маҳалласи ўртасидан оқиб ўтайдиган сойда замонавий кўприк қурилди. Натижада аҳолининг узоғи яқин, оғири энгил бўлди.

Бўстонлик — маҳаллий хом ашё негизда ишлайдиган ўрта ва кичик корхоналар барпо этиш учун жуда қулай имкониятларга эга бўлган ҳудудлардан ҳисобланади. Турли шарбатли яхна ичимликлар ва маъданли сувлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Гидролайф — Ботлерс» фирмаси ана

(Давоми. Боши 1-бетда).

шундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб, Сойлик қишлоғида ўзининг янги цехини қуриб, ишга туширди. Асосан, маъданли сув ва турли шарбатли яхна ичимликлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу цехнинг 5 гектар майдонни эгаллаб ётган ташландиқ бино негизда барпо этилганлиги, айниқса, диққатга сазовордир.

400 миллион сўм маблағ сарфлаб бунёд этилган цехда Оқтош ва Мингбулоқ тоғ тизмаларидан оқиб келаётган табиий тоза тоғ сувлари манбаидан фойдаланган ҳолда 1 ва 1,5 литрли идишларда ошқозон ва ичак хасталиклари учун шифобахш «Гидролайф» газли ва газсиз суви ишлаб чиқарилади. Цех 50 иш ўринли бўлиб, бир кунда 25 минг, бир йилда эса 3,5-4 миллион шиша суви ишлаб чиқариш қувватига эга. Урнатилган асбоб-ускуналар Германия ва Италиядан келтирилган.

«Гидролайф — Ботлерс» фирмаси ушбу цех билан кифояланиб қолмоқчи эмас. Келажақда туман ҳудудида асл шарбат ва турли шарбатли яхна ичимликлар ишлаб чиқариладиган 50 иш ўринли ҳамда дори-дармонлар тайёрлайдиган 30 иш ўринли цехлар барпо этиш мўлжалланмоқда.

Абдусамод ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: янги бунёд этилган объектларни ишга тушириш жараёнларидан лавҳалар. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Sof havo, tiniq suv, toza tuproq uchun!

Tabiat va inson

Toshkent viloyati tabiatni muhofaza qilish qo'mitasi sahifasi

ҲАР БИРИМИЗГА ДАХЛДОР

Жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётида табиат муҳофазаси, атроф-муҳит — ҳаво, сув ва tupроқ мусоффолигини сақлаш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Йирик sanoat корхоналари, турли мулкчилик шаклига эга бўлган ва бошқа ишлаб чиқаришлар кенг қулоч ёйган вилоятимиз шароитида бу айниқса катта ўрин тутади. Шунинг ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, сув ва ер ресурсларини авайлаб-асраш, улардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги бошқа қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга амал қилиб, биз шаҳар ва қишлоқларимизда ўз ишчимизни давр талаблари асосида ташкил этишга жиддий эътибор қаратмоқдамиз.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури фаолиятимизнинг асосий йўналишидир. Табиатни муҳофаза қилиш идораларимиз шу дастур асосида атроф-муҳит муҳофазасини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга қаратилган тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиб, амалга оширишга киришди. Шу асосда ҳозирнинг ўзида жуда катта ер ости сув ҳавзалари аниқланди ва уларни эҳтиёт қилиб сақлаш режалари амалга оширилмоқда.

Тошкент вилояти йирик металлургия, кимё ва машинасозлик ишлаб чиқаришлари ривожланган, катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган минтақадир. Айни шу ҳолат Олмалик, Чирчиқ, Оҳангарон, Ангрэн ва Янгийўл шаҳарлари худудларида табиат муҳофазасига эътиборни кучайтиришни тақозо этади. Шунинг таъкидлаш мумкинки, ҳозирги пайтда Олмаликдаги кимё, кон-металлургия, Чирчиқ-

даги машинасозлик ва кимё корхоналарида, шунингдек, вилоятимиздаги цемент корхоналарида атроф-муҳитга зарарли бўлган чиқиндиларни камайтириш чоралари кўрилади бошланди. Натижада, ҳаво, сув ва tupроқнинг ифлосланиши кескин камайишига эришилмоқда.

Мен бугун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу йил 1 майда қабул қилган 199-қарори ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Бу қарорга кўра, табиатдан фойдаланувчилар томонидан атроф-муҳитга ташланган ифлослантувчи моддалар ва чиқиндиларни жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари жорий этилмоқда. Бундай тўловлар табиатни муҳофаза қилиш идоралари билан корхона-ташкilotлар ўртасида аниқ белгила-ниб, келишиб олинаётди. Ҳозирги пайтда шу қарор асосида 250 дан ортиқ корхона ва ташкilotлар билан ана шундай тўловлар юзасидан амалий ишлар бошлаб юборилди.

Маълумки, табиат муҳофазасини изчил йўлга қўйиш, ат-

роф-муҳитга зарарли чиқиндиларнинг таъсирини камайтириш кўп жиҳатдан табиатни муҳофаза қилиш идораларининг маҳаллий ҳокимиятлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкilot ва ҳўжаликлар билан бевосита иш олиб борилишига боғлиқ. Бунда табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари давлат нозирларининг малакаси, билими ва ишчанлик лаёқати алоҳида ўрин тутади. Ҳозирги пайтда вилоятимизда 80 га яқин ана шундай малакали мутахассислар фаолият юритмоқдалар. Улар шаҳар ва қишлоқлардаги жамоатчи ёрдамчиларга таяниб, табиат бойликларидан оқилона фойдаланишни, атроф-муҳитга ортиқча чиқиндилар ташланмаслигини мунтазам ўрганиб, таҳлил қилиб бормоқдалар. Зарур ҳолларда табиатга салбий таъсир кўрсатаётган корхона ёки ишлаб чиқаришлар хусусида ҳолисона ҳукмлар чиқарилмоқда, чоралар белгиланмоқда.

Бугун табиат муҳофазаси идораларига алоҳида масъулият юкловчи яна бир муҳим қарор хусусида тўхталиб ўтмаслик асло мумкин эмас. Мен бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29 октябрда қабул қилинган Чирчиқ дарёси сув муҳофазаси минтақаси ва қирғоқбўйи ер доирасини аниқ белгилаб қўювчи муҳим ҳукумат қарорини назарда тутмоқдаман.

(Давоми 4-бетда).

- Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг худудий бўлинмаларига бирлашган 76 нафар давлат нозирлари Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни талабларининг бажарилишини назорат қилиш ва таъминлаш борасидаги ишлар кўламини тобора кенгайтирмоқдалар. Жорий йилнинг ўтган даврида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши томонидан тасдиқланган режа-жадвал асосида 200 дан ортиқ корхона ва ташкilotларда экологик аҳвол текширилди.
- Уларнинг кўпчилигида қонун бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланиб, айбдор шахсларга жазо чоралари қўлланилди. Хусусан, 400 нафардан ортиқ мансабдор шахсларга сал кам 304 миллион сўмлик жарима солинди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан 1300 дан ортиқ банддан иборат кўрсатмалар берилди.

Мутахассис фикри

БОЙЛИКНИ АСРАЙ БИЛИШ КЕРАК

Маълумки, қишлоқ ҳўжалиги жинларидан мўл ва сифатли ҳосил олиш учун турли зараркунанда ва қасаликларнинг кўпайиши ва тарқалишига йўл қўймаслик катта аҳамиятга эга. Айниқса, Тошкент вилояти шароитида бу алоҳида роль ўйнайди. Ҳисоб-китобларга кўра, уларга қарши кураш чоралари вақтида қўлланилмаса, гўзанинг 25-30 фоиз ҳосили, дарахтларнинг 40-50 фоиз ва ундан ортиқ мевасини йўқотиш мумкин.

Вилоят қишлоқ ҳўжалик кимё бирлашмаси бу йилги экинларнинг ҳосилини зараркунандалардан ҳимоя қилиш ва шу билан бир вақтда атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига зарарсиз бўлган биологик кураш усулини қўллаш учун

зарур чораларни кўрди. Энтомофагларни (фойдали ҳашаротларни) кўпайтириш учун зарур бўлган арпа, шакар, маргарин, макжўхори уни ва бошқалар билан таъминлашга ҳисса қўшиш мақсадида вилоят табиатни му-



Муносабат

МУҲОФАЗАСИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Чирчиқ дарёсининг вилоятимиз халқ ҳўжалигидаги аҳамияти беқиёс. У асосий сув манбаларидан бири сифатида иқтисодий ривожланишига, халқимиз фаровонлиги орттишига катта ҳисса қўшмоқда. Аммо, дарёнинг зилол суви муҳофазасага тобора кўпроқ эҳтиёж сезаяпти. Чунки, уни ифлослантираётган манбалар кўп.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ташкilot этилганидан бошлаб, дарёни тоза тутиш ишларини муттасил давом эттирмоқда. Шу мақсадда унинг 300 метрли минтақасида жойлашган иншоотлар рўйхатга олинди. Улар ўз фаолияти билан сув ифлосланишига сабабчи бўлмоқда. Бундан ташқари, дарёни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича тезкор гуруҳ тузилди. Илгари мазкур сув манбаини булгаётган қатор иншоотлар тегишли экологик ҳолатга келтирилди. Чунончи, «Чирчиққишлоқмаш», «Ўзбеккимёмаш», Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва иссиққа чидамли металл комбинати каби корхоналар оқаваларни сув ҳавзасига ташлашни тугатиш назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширдилар. Урта-чирчиқ ДЭС тизмасида оқавасуларни тозалаш иншооти ишга туширилди, «Электркимёсаноат» очик акциядорлик жамиятида ишлатилган сувдан қайта фойдаланиш йўлга қўйилди. Ишлаб чиқариш чиқиндиларининг тўпланишига барҳам берилди. Шуларнинг ҳаммаси сув сифатининг яхшиланишига олиб келаяпти. Лекин, дарёнинг муҳофазаса минтақаси чегараларини аниқ бел-

гиловчи юридик ҳужжат йўқлиги ишда катта қийинчиликларга дуч келинишига сабаб бўларди. Шу нуқтаи назардан республика Вазирлар Маҳкамаси жорий йилнинг 28 октябрида қабул қилган «Чирчиқ дарёсининг сув муҳофазаси минтақаси ва қирғоқбўйи ер доираси тўғрисида»ги қарори айни муддао бўлди. Унда дарё суви муҳофазаса қилинадиган минтақа ва қирғоқ доираси аниқ белгилаб қўйилди. Вилоятимиз худудидаги 9160,6 гектар майдон алоҳида муҳофазаса қилинади. Қарорда белгиланган 21 та энг хавфли экологик иншоотларни 2007 йилгача минтақадан чиқариб юбориш назарда тутилган. Бу ерларни ўрмонзорлар яратиш учун ажратиб бериш мумкинлиги ҳам қайд қилинди. Табиат ҳимоячиларига Чирчиқ дарёсининг сув муҳофазаси минтақасида табиатни сақлаш қонунчилигида белгиланган талабларнинг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш вазифаси юклатилди. Шубҳасиз бу қарор ижросининг таъминланиши вилоятимизнинг асосий оби-ҳаёт манбаларидан бири — Чирчиқ дарёси сувининг янада тоза бўлишига олиб келади.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

ҚАЙТА ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

Янгийўл минтақавий табиатни муҳофазаса қилиш қўмитаси нозирлари сув ресурсларидан тежаб фойдаланиш устидан мунтазам назорат олиб бормоқдалар. Уларнинг саёй-ҳаракатлари билан оби-ҳаётдан қайта фойдаланиш мекёслари кенгайиб бораёпти. Кейинги йилларда қатор корхоналар жамоалари суви ишлатишида шундай тартибга ўтдилар.

Чунончи, «Биокимё» акциядорлик жамиятида дондан спирт ишлаб чиқаришда сувдан фойдаланишнинг биқик тизими ишга туширилди. Бу ерда сув тозаланиб, қайта ишлатаверилади. «Янгийўл» агрофирмаси, металлпластмасса заводиди ҳам шунга амал қилинаёпти. «Фишт Инвест» масъулияти чекланган жамияти, Усмон Юсупов номли агрофирманинг айрим ишлаб чиқариш бўлинмаларида ҳам сувдан қайта фойдаланиш йўлга қўйилган.

Тўғри, бу корхоналарда оби-ҳаёт нисбатан камроқ ишлатилади. Аммо, тома-тома қўл бўлур, деганларидек уларнинг умумий йиғиндиси ўнлаб минг куб метрни ташкilot этади. Бу билан ичимлик суви тежалди. Айни вақтда табиатни ифлослантувчи оқавалар барҳам топади.

Ўз мухбиримиз.

минг гектар майдондаги гўза, галла, сабзавот, мевалар ва бошқа экинларнинг ҳосилини зараркунандалардан биологик усул билан сақлаб қолишга ёрдам берди. Вилоятда биологик кураш усулини ўз муддатида қўллашга ва унинг самардорлигини кўтариш учун феромон тутқичларидан тўғри фойдаланилди.

Вилоят ҳўжаликларидида тайинланган 1254 нафар назоратчи ўзига бириктирилган экин майдонларидаги аҳволни кузатиб, зараркунандаларга қарши курашни (биологик ёки кимёвий усулда) ўз муддатида олиб боришга катта ёрдам берди. Келажакда бу тажриба барча ҳўжаликларга жорий этилса, яхши самара бериши, шубҳасиз.

Шу ўринда мутахассис сифатида бир гапни таъкидлаб ўтгим келади. Биз келгусида ҳам эко-

(Давоми 4-бетда).

ҲАР БИРИМИЗГА ДАҲЛДОР

Маълумки, Чирчиқ Тошкент воҳасини ҳаёт манбаи — сув билан таъминловчи асосий манба. Афсуски, кўп йиллардан буён унинг икки қирғоғида бунёд этилган саннат корхоналари ва бошқа хўжалик иншоотлари, дала боғлари бу сув манбаидан оқилона фойдаланишга маълум даражада тўғаноқ бўла бошлаган эди. Кейинги йилларда Чирчиқдаги қишлоқ хўжалик ва машинасозлик корхоналарида атроф-муҳитга етказилаётган зарарни камайтиришга қаратилаётган йирик тадбирлар амалга оширилди. Лекин шунга қармасдан, Чирчиқ дарёсининг мақомини белгилловчи қонун ҳужжати бўлмаганлиги оқибатида умуман дарё сувининг тозаллигига, хусусан, воҳа экологиясига зарар етказувчи манбаларни буткул камайтиришнинг чораларини кўриш имкони бўлмаётган эди. Вазирлар Маҳкамасининг мана шу қарори билан айни шу кендик жой тўлдирилди. 2007 йилга қадар экологик жиҳатдан хавфли 21 та иншоот белгиланган минтақадан кўчирилиши белгилаб қўйилди. Дарё қирғоқлари бўйлаб дарахтзорлар барпо этилиши ҳам экологияни соғломлаштиришга хизмат қилади.

Ишимизда муайян муаммолар ҳам йўқ эмас. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастурини амалга ошириш жараёнида атмосфера ҳавосига, очиқ сув ҳавзаларига ташланаётган чиқиндилар сезиларли камаяётганлигига қарамасдан, бир қатор шахарларимизда йирик-йирик корхоналар табиат муҳофазасига оид белгиланган тадбирларни изчил ба-

(Давоми. Боши 3-бетда).

жармаёттирлар. Натижада, атроф-муҳитга зарар келтирувчи чиқиндиларни камайтириш юзасидан белгиланган кўрсаткичлар таъминланмаёттир, табиатга муайян зарар етказилапти.

Табиатни муҳофаза қилиш идоралари ўзларининг асосий эътиборларини шу сингари муаммоларни бартараф этишга қаратиб, атроф-муҳит, ер ва сув ҳавзалари тозаллигини сақлаш масалалари билан изчил шуғулланмоқдалар. Бундан буён ҳам табиат муҳофазасига доир қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни изчил амалга ошириш бу жараённинг асосий мақсади ва йўналиши бўлиб қолаверади. Уйлайманки, бу муҳим ва масъулиятли вазифаларни амалга оширишда корхоналар, хўжаликлар раҳбарлари, кенг жамоатчилик ҳам фаол иштирок этадилар.

Турғун ЭРГАШЕВ,
Тошкент вилояти
табиатни муҳофаза қилиш
қўмитасининг раиси.

● **Экологик вазиятни тартибга солиб туришнинг асосий манбаларидан бири атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун тўланадиган тўловлардир. Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йилнинг май ойида қабул қилган қарори асосида 250 та корхона ва ташкилотлар билан компенсация тўловлари келишилди. 220 та ишлаб чиқариш субъектларидан эса табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси ҳисобига 94,6 миллион сўм келиб тушди. Бу маблағ атроф-муҳитнинг экологик ҳолатини яхшилашга сарфланапти.**

● **Вилоят корхоналари ва ташкилотларида табиатни муҳофаза қилиш ишларига йил давомида 2,5 миллиард сўмлик йигирма тўртта йирик чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган эди. Мазкур чора-тадбирлар туфайли вилоят бўйича атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар ҳажми деярли 4 минг тоннага, оқаваларни сув ҳавзаларига ташлаш миқдори эса 3 миллион куб метрдан ортиқ камайди.**

БОЙЛИКНИ АСРАЙ БИЛИШ КЕРАК

логик безарар бўлган биологик усуллардан кенгроқ ва самаралироқ фойдаланиш йўлидан борсак тўғри бўлади. Лекин, бунинг учун жойларда айрим ташкилий-техникавий ишларни қилиш зарур. Масалан, трихограмма кўпайтирадиган механизациялашган линиялар эскириб борапти. Улар 25-30 йиллар давомида ишлатиб келинмоқда. Таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, уларни ишлаб чиқарадиган ташкилотнинг ўзи йўқлиги вазиятни оғирлаштироқда. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бирор завод қошида шундай қисмлар ишлаб чиқарувчи махсус цех ташкил этиш масаласини кўриб чиқиб, унга керакли маблағ ажратса, айни муддао бўларди. Яна бир муаммо: айрим майдонларда зараркундалар кўпайиб, ҳосилга хавф туғдирган дамларда кимёвий препаратларни қўллаш учун техника етишмай қолмоқда. Мавжудлари ҳам баъзан таъмирлашга муҳтож, носоз техникаларда дори сепиш эса, кимёвий препарат таъсирининг паст бўлишига, зараркунанда ёки касалликларнинг сақланиб қоли-

(Давоми. Боши 3-бетда).

шига ва уларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Шунинг учун ОВХ-28, ОВХ-14 каби техника ва мосламалар ҳамда бегона ўтларга гербицид сепадиган ПГС мосламаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳозирги куннинг талаби, деб ўйлайман.

Вилоят бўйича ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳам қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва барқарор ҳосил етиштиришда катта роль ўйнайди. Шунинг айтиш керакки, сўнгги йилларда вилоятда бу масалага катта аҳамият берилмоқда. Бу йил нозирлар томонидан 180 та текшириш ўтказилиб, шу ҳақда далолатнома тузилди. Жами 306 та кўрсатма берилиб, шундан 301 таси бажарилди. 55 нафар мансабдор шахсга 544130 сўм жарима солиниб, деярли ҳаммаси ундириб олинди. Ҳамма йирик қишлоқ хўжалик корхоналари текширувдан ўтказилди. Қурилиш учун ер ажратиш ҳужжатларидан 114 таси кўрилиб, 108 тасига розилик берилди. Вилоятда бажарилган рекултивация ишлари, Чиноз туманида 120 километр зовур тозалангани ерларнинг мелиоратив ҳолатини ях-

шилашга ёрдам берди. Бўстонлик туманида 139 километр зовурлар тозаланди, 30 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Зангиота туманида 10 гектар ер рекултивация қилинди.

Шу билан бирга баъзи ҳудудлардаги ерлар мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви экинлардан мўл ҳосил етиштиришга таъсир қилаётган бошқа сабаблар ҳам йўқ эмас. Айрим хўжаликларда тупроқнинг шўрланиши, эътиборсизлик оқибатида ишдан чиқиши, бегона ўт қолаши ҳолатлари ҳам аниқланмоқда. Ҳаммамиз яхши биламиз, Ер — энг катта бойлик. Уни асраб-авайлаш, тўғри фойдаланиш биринчи галдаги бурчимиздир. Шундай экан, мутасадди идоралар, хўжаликлар раҳбарлари, мутасаддилари бу муҳим масалани ўрганиб, керакли чораларни кўришлари лозим.

С. АЛИМУҲАМЕДОВ,
академик, вилоят
табиатни муҳофаза қилиш
қўмитаси жамоатчилик
кенгаши раиси.

Вилоятимиз ҳудудида жойлашган нефть базаларининг атмосфера ҳавосига, ер ости сувлари сифатига зарарли таъсир кўрсатиши сир эмас. Шу боис ҳам, уларда ҳар йили табиат муҳофазасига оид чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

НЕФТЬ БАЗАЛАРИ:

АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

Хусусан, ўтган йили ва жорий йилнинг тўққиз ойи давомида мазкур базалар томонидан бир мунча ижобий ишлар амалга оширилди. Чунончи, Пахта нефть базасида резервуарнинг авария ҳолатидаги таглиги янгиси билан алмаштирилди. Бу тадбирга 16 миллион сўм сарфланди. Ер ости технологик қувурлари тизими қайта қурилиб, ер устига чиқарилди. Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатишга мўлжалланган янги Янгиобод ва Бобур автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида ҳам табиат муҳофазасига қаратилган қатор тадбирлар кўрилди. Аксарият базаларда ишлаб чиқариш чиқиндиларини ташқарига жойлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Лекин, юқоридаги ижобий ишларга қарамай, бу корхоналар фаолиятида табиат муҳофазаси бўйича камчиликлар ҳамон учраб турибди. Уларнинг раҳбарлари атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга етарли эътибор бермаяптилар, лоқайд муносабатда бўлишмоқда. Оқибатда ҳамон атмосфера ҳавосига зарарли моддалар чиқариш меъёрларига амал қилинмаяпти. Бундай аҳвол, жумладан, Ангрен нефть базасида ҳукм сурмоқда. Чиқиндиларни ташқарига чиқариш меъёрлари белгиланмаган. Бунинг усти-

га тозаланмаган сувларни оби ҳаёт ҳавзаларига ортиқча оқизиш давом этмоқда. Уларни қайта ишлаш иншоотини лойиҳалаш ва қуриш ишлари пайсалга солинмоқда.

Қатор нефть базаларида сув ҳавзаларига ташланаётган сувлар таҳлили айрим ҳолларда улардаги чиқиндилар меъёридан анча ортиқлигини кўрсатмоқда. Айни вақтда барча корхоналарда автотранспорт воситаларидан чиқаётган зарарли газларни ўлчаш ишлари пухта ташкил этилмаган. Аниқроғи, бу муҳим ишга эътиборсизлик билан қаралмоқда. Шундай нуқсонларни тўла бартараф этиш учун фақат ҳафсала етишмаяпти.

Ваҳоланки, ҳар бир база раҳбаридан табиат муҳофазасини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ишларга доим аҳамият билан қараш, шу мақсадда белгиланган чора-тадбирларни вақтида тўла амалга ошириш талаб этилади. Маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш идоралари эса, уларга нисбатан талабчанликни кучайтиришлари ва қатъият кўрсатишлари лозим.

Ўктам АШУРОВ,
вилоят атмосфера
ҳавосини муҳофаза қилиш
ва чиқиндиларни
жойлаштириш махсус
нозирлиги бошлиғи.



ҲАММА СОҲА ЭЪТИБОРДА

Бекобод минтақавий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси ўз зиммасига юклатилган вазифаларнинг ўлдасидан чиқиш учун барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Экологлар Бекобод шаҳри ва туманида атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш учун олиб борилаётган ишда кенг жамоатчиликка суянмоқдалар.

Улар республика назоратчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланган режа асосида, айниқса, табиатни кўп даражада ифлослантирувчи манбалар ҳисобланган хўжалик юритувчи субъектларда таркиб толган экологик аҳволни текширишга катта эътибор бермоқдалар.

Санат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари ҳамда хўжаликларда табиатга бўлган муносабат ўрганилиб, ютуқлар қатори кўпгина йўл қўйилган камчиликлар ҳам аниқланди. Атроф-муҳитни ифлослантиришда айбдор бўлган мансабдор шахсларга нисбатан турли жазо чоралари кўрилди.

Уларнинг беш нафарига жарима солинди. Улардан ундирилган жами жарима 62,5 минг сўмдан ҳам кўпроқни ташкил этди. Уни фақат ўз ҳамёнларидан тўладилар.

СУРАТДА: Бекобод минтақавий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Эркин Раҳматов (чапда) ҳамда етакчи мутахассислар Абдуваҳоб Эшонқулов ва Қодир Мавлоновлар иш юзасидан суҳбатлашмоқдалар.

Даврон Аҳмад олган сурат.

Қонун ҳаммага
баробар

ДАРАХТНИ РУХСАТСИЗ КЕСМАНГ!

Туманимиздаги 70 дан ортик ташкилот ва қорхона ҳамда хўжаликлар ер ости ва усти сувларидан фойдаланадилар. Ана шу меҳнат жамоалари, маҳаллалар, айниқса, мактабларда тушунтириш ишлари олиб борилишига қарамай, баъзи жойларда сувдан фойдаланиш қонунлари бузилишига йўл қўйиляпти. Масалан, «Бектемир» пахта тозалаш заводига қарашли ер ости сув тортиш иншоотида сув ўлчагич ўрнатиш учун ёзма кўрсатмалар берилишига қарамай, ханузгача ушбу қурилма ўрнатилмаган. Бунинг учун айбдор шахсга жарима солинди.

Мактаб, боғча ҳамда баъзи бир маҳаллаларда ер ости сувлари исроф қилинапти. Бунга сув жўмрақларининг носозлиги ҳамда оддий эътиборсизлик сабаб бўлмоқда. Оқибатда Тўйтепа шаҳри ва «Ўртасарой» ширкат хўжалигида ёз ойларида сув танқислиги сезилди.

Жойларда рухсатсиз дарахт кесиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Чунончи, кўмитамизга Туябўғиз маҳалла оқсоқолининг шундай хатти-ҳаракатлари ҳақида хабар келди. Текшириш ўтказилганида, ҳақиқатан ҳам Туябўғиз кўрғонидаги «Ал-Файз» фирмаси ҳудудида икки туп чинор ва бир туп арча кесилганлиги аниқланди. Бундай ҳолат кардиология диспансери ҳудудида ҳам содир этилган. Етти туп ясенъ дарахти ҳеч қандай ҳужжатсиз кесиб юборилган. Ўзбекистон Республикаси ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш қонунининг 15-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 79-моддасига асосан айбдор жаримага тортилди.

З. АБДУЖАББОРОВ,
Ўртачирчиқ тумани табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси.



«Меҳржон» болалар оромгоҳи йилнинг тўрт фаслида ҳам жозибали ва сўлим. Уни катта боғга таққослаш мумкин. Мевали ва манзарали дарахтзорлари, гулларга бурканган майдонлари қалбларга ҳузур бахш этади. Бу масқанда унинг маъмурияти, тарбиячилар ва тарбияланувчилар ҳамкор бўлиб, табиатни муҳофаза қилиш йўлида амалга ошираётган ишлари натижасидир.

Тошкент денгизи соҳилига жойлашган бу оромгоҳ ҳавосининг мусаффолигини айтмай-

сизми! Сув ҳавзаси ва дарахтзорлар шунга хизмат қилапти. Жамоа эса ўсимликлар майдонларини кенгайтириб, уларга сифатли ишлов бериш ва парваришlash ишларини мунтазам олиб борапти.

Бу ерда ташкил этилган фермер хўжалиги ҳам табиатни муҳофаза қилиш ишларига катта ҳисса қўшмоқда. Унинг фаолиятида оромгоҳни ободонлаштириш салмоқли улушни ташкил этмоқда. Йил бошидан бери бу соҳада қилинган ишларнинг аксарияти унинг ёрдами билан

амалга оширилди. Болалар масқанидаги майдонлар, хиёбонлар тартибга келтирилди, айрим бинолар таъмирланди, қишга тайёргарлик юзасидан ҳам қатор ишлар қилинди.

Жорий йилда оромгоҳни кўкаламзорлаштиришга бўлган эътибор янада кучайди. Янги дарахтзорлар, гулзорлар барпо этилиб, унинг яшил бойлиги сезиларли кенгайди. Бу ерда 500 туп терак кўчати экилди. Мевазорлар ёнига янгилари қўшилди. 800 та олма, ўрик, шафтоли, гилос, олча ва бошқа шу каби мевали дарахт

кўчатлари ўтқазилди. Улар яхши парвариш қилинаётганлиги учун барқ уриб ўсмоқда.

«Меҳржон»да ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига чинакам меҳр қўйишган. Бу унинг янада кўркам ва роҳатбахш бўлишига олиб келмоқда. Жамоанинг шу мақсад йўлидаги ишлари таҳсинга сазовор. Бу билан унда тарбияланаётган ёшларда она-табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат ошиб бораётгани нур устига аъло нур бўляпти.

Собир ҲАМИДОВ.

ИШОНЧЛИ КЎМАКДОШЛАР

Экологик вазиятни барқарорлаштириш, атроф-муҳит муҳофазаси, амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжат талабларининг бажарилишини таъминлашда жойлардаги жамоатчи табиатсеварлар фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Улар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан тақдим этилиб, Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган табиатни муҳофаза қилиш жамоатчи нозирлари ҳақидаги Низом асосида иш юритмоқдалар. Чунончи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси нозирлигининг 38 нафар шундай жамоатчилари бор. Уларнинг 2003 йилдаги амалий ёрдами қандай бўлди?

Ангрен минтақавий кўмитаси таркибида 1 та гувоҳномали жамоатчи нозир ва 5 та жамоатчи фаолият кўрсатапти. Улар жами 13 та ҳуқуқбузарлик ҳолларини аниқлаб, 10 та баённома тузишган. Оҳангарон минтақавий кўмитаси жамоатчи нозирлари ҳам 7 та ҳуқуқбузарлик фош этиб, айбдорлардан 25388 сўм жарима, 215366 сўм товон ундиришган. Оққўрғон ва Қуйинчирчиқ туманлари кўмиталарининг жамоатчи нозирлари фаолияти ҳам яхши натижа бермоқда.

Лекин, ҳамма жойда ҳам жамоатчилар кучидан оқилона фойдаланилмапти. Чирчиқ ва Бекобод минтақавий кўмиталарида улар рўйхатга олинганига қарамай фаолиятлари самарасиз бўляпти. Чунки, бундай ёрдамчилардан фойдаланишга эътибор берилмаёттир.

Олмалик, Пскент, Бўка, Зангиота ва Тошкент туманлари табиатни муҳофаза қилиш кўмиталарида бирорта ҳам жамоатчи нозирлар рўйхатга олинмаганлиги эса, гоят ачинарли. Ваҳоланки, бевосита вилоят нозирлиги томонидан рўйхатга олинган Юрий Понаморев, Неъмат Дадаев каби жамоатчи нозирларнинг ҳар бири камида 10 тадан ортиқ жойларда содир бўлган ҳуқуқбузарликлар бўйича ахборот берганликлари туфайли жуда

кўплаб табиий бойликларни талон-тарож қилишнинг олди олинди. Табиатни муҳофаза қилишга оид тадбирлар, уларни кенг жамоатчилик орасида тартиб этиш ва қонунбузарлик учун маъмурий жазолар қўлланиши муқаррарлигини таъкидловчи суҳбатлар уюштириш, оммавий ахборот воситалари саҳифаларида мақолалар эълон қилиниши ҳам аҳоли ўртасида табиатни муҳофаза қилиш ишларига эътиборни кучайтиришга хизмат қилади. Бундай тартибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйишда шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатувчи журналистлар, мактаб ўқитувчилари, юқори синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган экологик кўрик-танловларда қатнашаётган ўқувчилар, фахрийлардан иборат жамоатчилар жалб этилиши ҳам ишимизнинг самарали бўлишига ёрдам бермоқда. Шундай ёрдамчиларимиздан «Паркент тонги» газетаси ходими Тўйчи Дусматов, ёзувчи ва журналист Асад Асидов мақолалари бизга жуда қўл келаяпти.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси қошида ташкил этилган мутахассис ва олимлардан иборат жамоатчилик кенгаши аъзоларининг ҳам ёрдамлари беқиёс. Света Задорожная, Абдулҳай Нишонов, Виктор Умаров, Султон Алимҳамедовлар кўмитамизнинг ишончли кўмакдошлари бўлиб қолишган.

Жамоатчи нозирларнинг амалий ёрдамлари самарали эканлигини инобатга олиб, жойларда, айниқса, Олмалик, Бўка, Зангиота ва Тошкент минтақавий ва туман кўмиталарида бу ишга янги-янги кўнгилчиларни жалб қилиш фақат фойда беради. Ишончли кўмакдошлар сафи қанчалик кенг бўлса, она табиатимизга зиён етказувчилар сони шунча кам бўлаверади. Бунга ишончим комил.

Абдумутал АБДУҲОЛИҚОВ,
вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси нозирлиги бошлиғи.

Хайрли
ташаббус



ТАШЛАНДИҚ ЕРДА БОҒ

Маҳалла, кўчаларнинг тозаллиги, уйимизнинг саранжом-сарништа бўлиши ҳар доим юксак тарбия белгиларидан ҳисоблаб келинган.

Лекин, ҳаётда шундай кишилар ҳам борки, улар маҳалласини, кўчасини тозалаб, чиқиндиларни, ахлатларни махсус ажратилган жойга ташлаш ўрнига ўзлари яшайдиган ерларга, йўл ёқаларига, оқава сувларга тўкишади. Ён-атроф чиқиндихонага айланиб бораётгани билан уларнинг иши йўқ.

Ана шундай бепарволик, ҳафсаласизлик туфайли Тошкент тумани Келес мавзеси билан темир йўл ўртасидаги 8 гектарлик майдон йиллар давомида қаровсиз қолиб, ахлатхонага айланганди. У асосан ҳар томондан келтириб ташланган хўжалик чиқиндилари билан тўлиб ётарди. Кўмитамиз томонидан бир неча маротаба Келес шаҳри фуқаролар йиғинига, шу ҳудуд яқинида жойлашган Ҳувайдо, Иттифок, С. Пўлатов маҳалла кенгашлари йиғинларига чиқиндиларни ташлашга барҳам бериш, ахлатларни махсус жойга тўплаш ҳақида огоҳлантириш хатлари берилди. Шунга қарамай, бу аҳвол давом этиб келаверди.

Обод маҳалла йили муносабати билан мазкур муаммони ҳал қилишга астойдил киришилди. Туман ҳокимлиги кўмағида майдон тозаланиб, тартибга келтирилди ва уни боғга айлантириш режалаштирилди. Йўл бўйларига манзарали, ичкарисига мевали дарахт кўчатлари экилади. Ер тўлиқ тартибга келтирилгач, шу ҳудуддаги маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган, ночор оила-ларга вақтинча фойдаланиш учун берилди. Улар ўзларига ажратилган майдонларда боғлар яратиш, унинг ҳосилидан баҳраманд бўладилар.

Ён-атрофимизга эътибор бериб, боғ ва гулзорларни кўлайтирсак, кўча ва майдонларни озода тутсак, қандай яхши!

С. АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент тумани табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси давлат нозир.

ҚАРИЧИ ҲАМ ЕР

Бир вақтлар қишлоқ хўжалик экинларини турли зараркунанда ҳашаротлардан муҳофаза қилиш учун захарли кимёвий моддалардан кенг фойдаланилар эди.

Уларни экинларга солишда, асосан авиация ишлатиларди. Самолётларга бундай моддаларни ортиш ва уларнинг кўниши учун туманлар-

да кўплаб аэродромлар барпо этилган эди.

Эндиликда улар эгаллаган ер майдонларини экинзорлар, яйловларга ажратиш

жараёни бормоқда. Шу вақтгача 50 гектар шундай ер майдонларида деҳқончилик йўлга қўйилди.

Жумладан, Чиноз туманидаги «Эшонобод» ширкат хўжалигига 5 гектар, Бекобод туманидаги Фарҳод номли хўжаликка 16 гектар ердан фойдаланишга рухсат

берилди. Шу йўл билан Бўка туманидаги «Бўстон» ширкат хўжалигининг экин майдони 12 гектарга, Жамбул номли хўжаликники 10 гектарга кенгайди. Қибрай туманидаги хўжаликларнинг бири ҳам 7 гектар ерни ўз тасарруфига олди.

Энг муҳими, эндиликда бу майдонлардан захар-зуккумли кимёвий моддаларни сақлаш учун эмас, балки халқимиз дастурхонига маҳсулот етиштириш учун фойдаланилади.

«Қизил китоб» саҳифаларида

Қўнғир
айиқ
изидан

Ўзбекистон тоғларида қўнғир айиқ учраб туради. Ўрта Осиё айиқлари жунининг бирмунча узун ва сийрак, очроқ тусдалиги ҳамда панжаларининг оқ бўлиши билан бошқа айиқлардан фарқ қилади. Шунинг учун биздаги айиқлар кенжа түри «оқпанжа» айиқлар деб аталади.

Ўзбекистонда бу жониворлар Тянь-Шань, Туркистон тоғлари ва Зарафшон тизмаларида, Бойсун тоғида мавжуд. Улар баланд тоғларда яшайди. Игнабаргли ва баргли ўрмонларга бирмунча камроқ тушади. Угам ва Писком тизмаларида баҳор кезлари ва ёз бошида ўтлоқларда юрса, ёзнинг охирида баргли ўрмонлар, мевали буталар, қалин бўлиб ўсадиган ёнғоқ, ёввойи олма, олча ҳамда зирк дарахтзорларида яшайди. Чотқол тизмаларида ёз ўрталарида ўтлар ўсиб ётадиган ва қоя тошлари бўлган жуда тик ёнбағир-

ларда юради.

Октябрнинг охири, ноябрь ойининг бошларида уйқуга киради.

Эрта баҳорда айиқлар ўсимлик илдизлари, ғалла ва икки паллалик ўсимликларнинг илдизпоялари, пиёзчалари, кўк ниҳоллар билан озиқланади. Гоҳи-гоҳида қўнғизлар, суғирларни тутиб ейди. Ёз охирида резавор мевалар — тоғолча, олма, дўлана ва ёнғоқ билан озиқланади. Бизда учрайдиган айиқ жуда камдан кам ҳолларда қўйлар ва ёввойи туёқлиларга ҳужум қилади. Тянь-Шанда январь охирида

болалайди (1-3 та, жуда камдан кам ҳолларда 4-5 та болалайди). Бу пайтда ургочи айиқлар ҳали уяларида ётган бўлади. Янги туғилган болалари сийрак жунли, вазни атиги 500 грамм келади. Кўзлари юмук, қулоқ тешиклари тери билан сирилган бўлади. Айиқ болаларининг кўзи 13 кун деганда очилади. Ёз бўйи онаси билан бирга юради. Кузга келиб айиқ болаларининг оғирлиги 25 килограммдан 40 килограммгача боради. Улар учинчи ёки тўртинчи йили вояга етади. Айиқлар одатда 30 йилча умр кўради. Тутқунликда уларнинг 34 йилгача яшагани маълум.

Бизда учрайдиган айиқлар Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган бўлиб, улар кўриқланади.

Сўраган эдингиз

Вилоятимизда ноёб Чотқол давлат биосфера кўриқхонаси борлигини биламиз. Шундай масканлар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бўлса керак. Улар ҳақида қисқача маълумот берсангиз.

Илёс РАҲМАТОВ, Соли ИМОМОВ, Ҳайдар ТУРОБОВ, Ангрэн шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН
ҚЎРИҚХОНАЛАРИ

Ўзбекистон ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бой. Бироқ, янги ерлар ўзлаштирилиши, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, кимёвий воситалардан фойдаланиш ҳамда ёввойи ҳайвонлар ва паррандаларни режасиз овлаш натижасида баъзи ҳайвонлар тури камайиб бораёпти. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон ҳукумати кўриқхоналарни кенгайтириш ва кўриқлаш ишига алоҳида эътибор билан қарамокда.

Ўзбекистон ҳудудида 430 турга яқин парранда, 40 тур кичик озиқланувчи ҳайвонлар, 74 та балиқ турлари ҳаёт кечиради.

Тоғларда қўнғир айиқ ёки Тянь-Шань айиғи, қор қоплони, ёввойи чўчка, эчки, бўри, тулкини учратиш мумкин. «Қизил китоб»га ҳайвонларнинг 38 тури киритилган.

Ўсимлик дунёси ҳам жуда бой. Бу ерда дарахтларнинг 68 тури, буталарнинг 320 тури, ярим буталарнинг 134 тури, ўтли ўсимликларнинг 2953 та тури бор. Ўзбекис-

тонда 13 та кўриқхона мавжуд, уларнинг умумий майдони 252,5 минг гектар. Бу кўриқхоналар Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сирдарё вилоятларида жойлашган. Мамлакатимиздаги кўриқхоналар ўзининг табиий манзарасига кўра куйидагиларга бўлинади:

— Чотқол, Нурота, Қизилсув, Ҳисор, Зомин тоғ-арчазорларидан иборат кўриқхоналари;

— Барақўл, Арнасой, Вардиазин кўриқхоналари кумли чўллардан иборат.

Бундан ташқари, Жиззах ва Бухоро вилоятларида жайрон етиштириш бўйича махсус кўриқхоналар учун халқ боғи ташкил этилган.

Ўзбекистондаги айрим ўсимлик ва ҳайвонларнинг турларини сақлаш ва тиклаш учун 7 та махсус ҳудуд тузилган. Уларнинг умумий майдони 194,1 минг гектар. Бундан ташқари, 3 та овчилик хўжаликлари бўлиб, уларнинг умумий майдони 3,5 минг гектарни ташкил этади.

ТАҲЛИЛ —
ҲАР КУНИ

Сув ва ҳаво доим мусоффо бўлиши керак. Бу икки унсурнинг озгина ифлосланиши ҳам инсон саломатлигига ёмон таъсир этиши мумкин. Шунинг учун улар таркиби мунтазам текшириб борилади.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси қошида шу мақсадда махсус таҳлил-назорат нозирлиги ташкил этилган. Унинг 4 та лабораторияси сув ва ҳаво кўп миқдорда ифлосланган минтақаларда ишлаб турибди. Бу нозирлик ходимлари ҳар куни белгиланган жадвал асосида шаҳар ва туманлардаги ҳаво ва сув намуналарини олишади. Йил бошидан бери 9324 марта шундай иш амалга оширилди. Текширилган манбаларнинг 100 тадан ортигида ифлосланиш даражаси меъёрдан ортиқ эканлиги аниқланди. Масалан, Чирчиқда шаҳар ҳавосида фенол меъёрдагидан 1,3, аммиак 1,5 баробар, Ангрэн шаҳрида эса, фенол 1,7, аммиак 1,8, азот қўш оксиди 1,3, чанг 1,3 баробар юқори эканлиги маълум бўлди ва уларни камайитириш учун кўрсатмалар берилди.

«Тоза ҳаво» тадбири амалда

Ҳозирги даврда экология, инсон саломатлиги учун энг хавфли манбалардан бири автотранспорт воситаларидан чиқадиган заҳарли газлардир. Улар пуркаган чиқиндилар таркибида ис, азот оксиди, карбонат ангидридлар билан бир қаторда кўрғошун ҳам бор. Атмосфера бу таҳлиф заҳарланишида автотранспорт корхоналарининг заҳарли газларни зарарсизланттирувчи махсус мосламалар билан таъминланмаганлиги сабаб бўлмоқда.

Ҳавонинг ифлосланиши автоуловларнинг сони, уларнинг ҳаракат тезлиги, кўчаларнинг катта-кичиклиги, чиқадиган газларнинг таркиби, миқдори ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқдир. Улардан сақлашниш учун йўлларнинг соз бўлишини таъминлаш, кўча четларига дарахтлар ўтқизиш, чорраҳаларда тартиб ўрнатиш қатори бу чиқиндини ҳавога тушишини чеклаш лозим. Ис гази давлат томонидан тасдиқланган

АВТОУЛОВИНГИЗ
СОЗМИ?

меъёрдан ошиб кетса, автоулов созланмагунча, уни ишлатиш ман этилиши шарт.

Бу муҳим масалага лоқайд муносабатда бўлаётган кимсаларга нисбатан жазо чоралари кўрилоқда, уларга жарималар солинаяпти. Бунда,



айниқса, «Тоза ҳаво» тадбири жуда қўл келмоқда. Автокорхоналар, улардаги транспорт воситалари синчиклаб текширувдан ўтказилаёпти. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чоралар белгиланмоқда ва уларнинг амалга оширилиши

устидан қатъий назорат олиб бориляпти. Жорий йилнинг ўтган даврида бир нечта шундай тадбирлар ўтказилди. Ҳавони ифлослантираётган транспорт воситаларидан фойдаланиш вақтинча тўхтатиб қўйилди ва улар тўла созланганидан кейин ишлашга рухсат берилди. Айни вақтда носоз автомашиналар ҳайдовчилари жарималар билан жазоланди. Қўмитамиз аъзолари ва жамоатчи нозирлари бу соҳада тартиб ўрнатиш мақсадида ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан янги режалар белгиламоқдалар.

Г. ЁКУБОВА,
Ангрэн минтақавий табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг етакчи мутахассиси.

ГХАЛОМА ДҶУКОНИДА...



Техроннинг балиқ бозоридаги савдогар Гхаломанинг дўконида ғалати мўъжиза рўй берди.

Одатдагидек бир кун эрталаб унга Каспий қиргоқларидан музлатилган балиқ келтирилди. Яшиқ очилиб, балиқлар эригач, улардан бирининг тирик эканлиги маълум бўлди. Уни олиб сувга қўйиб юборганларида, балиқ гўё ҳеч нарса бўлмагандек, ҳайратда қолган харидорларнинг кўз ўнгида суза бошлади.

Айтишларича, ўша балиқ Гхалома дўконига мижоз чорловчи тирик рекламага айланиб қолганмиш.

РЕКОРД СИРИ

Каракас (Венесуэла)да ўтказилган кросс трассаси баъзи жойларда бута ва чангалзорлар оралаб ўтиши мўлжалланган эди. Ҳакамлар, ишқибозлар ва репортёрлар сўнгги нуқтада мусобақа голибини кутаётган бир пайтда пойга пешқадами финишга етиб келиб, тасмани узди-ю, тезлигини сира пасайтирмай, чошиб кетаверди.

Маълум бўлишича, бир гала арилар тўдаси чемпионга ҳужум қилган ҳамда «фахрий эскорт» голибни, ҳатто финишдан сўнг ҳам ўз ҳолига қўймаган.

Ушбу саҳифа материалларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» газетаси ходимлари тайёрладилар.

ЧУМЧУҚЛАРГА ҚАРШИ ТҶП

Англиянинг турбовинтли ДС лайнери бортида 78 йўловчиси билан осмонга парвоз қилди-ю, бироз ўтмасдан тезлик билан пастлаб, кўнишга мажбур бўлди.

Маълум бўлишича, самолёт ҳавода чумчуқлар тўдасига дуч келиб, тўртта турбовинтли двигателидан учтаси қушларга тўлибди.

Шундан кейин орнитолог-мутахассисларнинг маслаҳатига кўра қушларни чўчитиш учун тўп отиб туриладиган бўлди.



АХБОР АКА ҚЎЛИДА ЎҚИШДИ

«Марказий Осиёда спорт ва саломатликни ташкил этиш» дастури асосида Тошкент туманидаги 16-мактабда бир ҳафталик соғлом-лаштириш лагери ташкил этилди.

Унда мактабнинг 7-8-синфларида таълим олувчи 140 нафар ўқувчи спортнинг волейбол, баскетбол ҳамда футбол турларига оид назарий ва амалий билим олишди. «Соғлом турмуш тарзи» машғулотлари бўйича республикада кўзга кўринган спорт мутахассислари са-

боқ бердилар. Болалар, айниқса, лагерга таниқли спорт шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаев раҳбарлик қилганидан фахрланишмоқда.

Машғулотларнинг сўнгги кунинда мактабга турли спорт анжомлари, қимматбаҳо совғалар топширилди.

Хуршида НАЗАРОВА.

ТАЛАБА ЁШЛАР ГУРУНГИ

Ёшларни соғлом турмуш тарзи руҳида тарбиялаш, маънавий-ахлоқий жиҳатдан камол топтириш мақсадида вилоятимизда кўплаб амалий тадбирлар ўтказилмоқда.

Жумладан, Янгийўл шаҳар тиббиёт коллежиди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, жамоат ташкилотлари ва марказий шифохона мутахассислари иштирокида «XXI аср ёшлари — ОИТСга қарши» мавзусида суҳбат уюштирилди.

Тадбирда ушбу хасталик ҳозирги даврнинг ўткир муаммоларидан

бўлиб қолганлиги, ёшлар ундан сақланишлари, онг-шуурни, вақтни эзгу ва хайрли ишларга сарфлашлари лозимлиги ҳақида сўз борди.

Энг муҳими, талабалар ОИТС, гиёҳвандлик каби аянчли иллатларнинг оқибатлари ҳақида мукамал маълумот олишди.

Ҳасанбой САБДУЛЛАЕВ.

БАРЧА ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2003 йил 1 декабрдан 2003 йил 27 ноябрдаги 19-03-Р.Уз. -96-2003 рақамли реестр билан электр қуввати тўловлари юзасидан истеъмолчи гуруҳлар учун қуйидаги янги тарифлар жорий этилди:

I гуруҳ. Қуввати 750 кВа ва ундан юқори бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар икки ставкали тариф

— 1 кВт максимал қувват учун бир йилга 31500 сўм.

— 1 кВт.с. учун 14 сўм 75 тийин.

II гуруҳ. Қуввати 750 кВа гача бўлган саноат ва унга тенглаштирилган истеъмолчилар

— 1 кВт.с. учун 18 сўм 15 тийин.

III гуруҳ. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналари, шу жумладан, бюджетдан молиялаштирилган насос станциялари.

— 1 кВт.с. учун 16 сўм 80 тийин.

IV гуруҳ. Электрлаштирилган темир йўл ва шаҳар транспорти (электрулов).

— 1 кВт.с. 18 сўм 15 тийин.

V гуруҳ. Носаноат истеъмолчилар, бюджет ташкилотлари, шаҳар кўча ёриткичлари.

— 1 кВт.с. учун 18 сўм 00 тийин.

VI гуруҳ. Савдо ташкилотлари, кафе, ресторан ва маиший хизмат шаҳобчалари.

— 1 кВт.с. учун 34 сўм 00 тийин.

VII гуруҳ. Аҳоли, аҳоли пунктлари

— 1 кВт.с. учун 16 сўм 80 тийин.

Электр плиталар билан жиҳоз-

ланган уйлар аҳолиси

— 1 кВт.с. учун 8 сўм 40 тийин.

VIII гуруҳ. Иситиш эҳтиёжлари, иссиқ сув билан таъминлаш ва со-вутиш (кондиционерлаш)

— 1 кВт.с. учун 34 сўм 00 тийин.

IX гуруҳ. Реклама ва иллюминация

— 1 кВт.с. учун 110 сўм 00 тийин.

X гуруҳ. Энерготизим хўжалик эҳтиёжлари учун

— 1 кВт.с. учун 16 сўм 80 тийин.

Изоҳ:

1. Ушбу тарифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 364-қарорига асосан тасдиқланган.

2. Электр қуввати етказиб бериш шартномасига биноан ҳисоб-китоб ушбу тариф асосида олиб борилди.

3. Ушбу тарифлар жорий этилиши муносабати билан 2003 йил 1 октябрдан киритилган тариф ўз кучини йўқотади.

4. Электр қуввати ҳисоб-китоблари ва қўшимча маълумотлар юзасидан жойлардаги туман электр тармоқларига мурожаат этишингиз мумкин.

«Тошкент электр тармоқлари» очиқ акционерлик жамияти бошқаруви маъмурияти.

Маълумотлар учун тел:

136-93-80.

«O`ZKITOVSAVDO» ДАК

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ҳақида хабарнома

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2003 йил 20 декабрь, соат 11.00да, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уйда ўтказилади.

Кун тартиби:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202 рақамли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг 2003 йил 27 июндаги 90 к-П/О рақамли буйруғига мувофиқ устав жамғармаси микдорини ошириш (50 минг АҚШ долларигача), устав ва таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш.
2. Акцияларнинг давлат пакетини сотиш ва хорижий инвесторларни жалб этиш ҳақида.

3. Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоллигига номзодларни сайлаш, Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси таркибини тасдиқлаш.
4. Ижрочи органнинг бажарилган ишлар ҳақидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Соф фойда тақсимооти ва уни тасдиқлаш.
6. 2003-2004 йилларга мўлжалланган молия режаси ва тараққиёт режасини тасдиқлаш.
7. Бошқалар.

Чилонзор тумани ҳокимининг 2003 йил 22 январдаги 129-сонли қарори билан давлат рўйхатига олинган реестрдаги тартиб рақами 0814620 сонли тадбиркор Мавлянова Раҳима Тўланбоевна номига берилган тадбиркорлик гувоҳномаси ҳамда 137 4-00-ББ. 2003 йил 5 мартда берилган ББ-00-65-84 рақамли савдо ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномаси лицензияси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНСИН.**

Чиноз туманида яшовчи Маткаримова Шаҳрибонга тегишли, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами 3217896, кузов рақами 0242659, давлат рақами С 6880 ТШ бўлган, ВА3-2106 русумли автомашинага Янгийўл тумани МРЭО томонидан расмийлаштирилган ГЕ 790891 рақамли техник паспорт йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Internarko — Biznes» МЧЖ номига берилган бурчакли муҳр ва юмалоқ муҳр ҳамда «Mirsobirov Mirvohid Mirkosimovich» хусусий корхонаси номига берилган юмалоқ муҳр ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин. ОКПО 16312888.

«ЯНГИЙЎЛ» ОТАЖ АГРОФИРМАСИ БЎЙИЧА САЛМОҚЛИ ФАКТЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

ТАРТИБ РАҚАМИ 05

Қимматли қоғозлар тури — оддий акциялар, нақдсиз.

Дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилинган сана — 12.04.2003 й.

Дивидендларни ажратиш ҳақида қарор қабул қилган орган — акциядорларнинг умумий йиғилиши.

2003 йил якунларига кўра бир акцияга ажратилган дивиденд ҳажми — 33,05 сўм.

Дивидендлар ажратилган акцияларнинг умумий сони — 87431 дона.

Ажратилган дивидендларнинг тўлов шакли — пул маблағлари.

ТАРТИБ РАҚАМИ 07

2003 йил 27 февралда Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказилиб, унда акциядорлар реестрини 2003 йил 28 мартдан ёпиш ҳақида қарор қабул қилинди.

ТАРТИБ РАҚАМИ 09

АУЙ тури — йиллик.
Ўтказиш шакли — очиқ.
АУЙни ўтказиш санаси — 12.04.2003 й.

АУЙни ўтказиш жойи — Тошкент вил., Янгийўл ш., Самарқанд кўч., 143.

АУЙдаги жамоат — 74930та овоз берувчи акция ёки акциялар умумий сонининг 85.7 фоизи.

Овозга кўйилган масалалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202 рақамли Фармонини ижро учун қабул қилиш ҳамда жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини унга мувофиқлаштириш. «Рози» — 73706та овоз берувчи акция, «бетараф» — 0, «қарши» — 0.

2. Корхонанинг 2002 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти ва 2003 йил бизнес-режасини тасдиқлаш. «Рози» — 73734та овоз берувчи акция, «бетараф» — 0, «қарши» — 0.

3. 2002 йил баланси ва бошқа молиявий ҳужжатларни тасдиқлаш. «Рози» — 73539та овоз берувчи акция, «бетараф» — 195, «қарши» — 32.

4. Аудитор ва тафтиш комиссияси хулосаларини тасдиқлаш. Қопланмайдиган дебиторлик

қарзлари захира жамғармаси ҳисобига ёпилсин. «Рози» — 73622та овоз берувчи акция, «бетараф» — 76, «қарши» — 0.

5. 2003 йилга аудиторни тасдиқлаш. «Рози» — 73730та овоз берувчи акция, «бетараф» — 0, «қарши» — 0.

6. Фойда тақсимооти ва дивидендлар ҳажмини тасдиқлаш. «Рози» — 73302та овоз берувчи акция, «бетараф» — 215, «қарши» — 172.

7. а) Кузатув кенгашининг янги таркибини тасдиқлаш:

Акбархўжаев Р.Ш. — «Ўзмева-сабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси вакили.

Ўролов Э. — «Ўзмева-сабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси вакили.

Нурманов Ж. — «Ўзмева-сабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси вакили.

Жамолиддинов Ч. — «Алп Жамол К.» ШК вакили.

Файзиев Х. — «СРА С.Р.О.» Чехия фирмасининг вакили.

Абдуғаниев А. — «МАСК» ҚК вакили.

Масаидов К. — пенсионер.

Абдурахмонова К. — «Янги-обод» хўжалиги вакили.

Кўчқоралиев Э. — пенсионер.

«Рози» — 70119та овоз берувчи акция, «бетараф» — 515, «қарши» — 3090.

7. б) Тафтиш комиссияси таркибини тасдиқлаш:

Фозилов Б., Нагаева А., Данько И. «Рози» — 73487та овоз берувчи акция, «бетараф» — 0, «қарши» — 0.

8. Ижрочи орган раиси этиб Н. Х. Қудратовни тасдиқлаш. «Рози» — 73387та овоз берувчи акция, «бетараф» — 0, «қарши» — 0.

9. М. Ш. Музаффаровнинг агрофирмага тегишли ер майдонларидан фермерларга ажратиш ҳақидаги таклифини тасдиқлаш. «Рози» — 71624та овоз берувчи акция, «бетараф» — 326, «қарши» — 624.

10. Амортизация эскиришдан ўтган автотранспорт воситаларини биржа савдо орқали сотиш ва агрофирма баланси-дан чиқаришни тасдиқлаш. «Рози» — 72651та овоз берувчи акция, «бетараф» — 332, «қарши» — 508.

Ўртачирчиқ туманидаги ўқув-тажриба хўжалигида спортнинг теннис ва футбол турлари бўйича мусобақа ташкил этилди. Вилоят футбол федерацияси ҳамда Агрисаноат мажмуаси ходимлари касба уюшмаси вилоят қўмитаси савий-харакати билан уюштирилган ўшбу мусобақада 200 нафарга яқин болалар ва ўсмирлар иштирок этишди.

ЎЙИНГОҲДА НИШОНЛАДИЛАР

Кўпчиликнинг севимли машгулотига айланган теннис беллашувларида 1988-1989 йилларда туғилган қизлар ўртасида Ригина Ли мутлақ голиб чиқиб, бош соврин соҳиби бўлди. Маъмура Худойбердиева 2-ўринни, Елена Ким 3-ўринни эгаллашди. 1990-1991 йилда туғилган қизлар баҳсида эса, Линура Иминова, Румина Яфарова, Гўзал Курмаева томошабинлар олқишига сазовор бўлишди.

1990-1991 йилда туғилган ўғил болалар ўртасида кечган теннис мусобақасида Р. Абдукаримов голиб чиқди. Е. Бобомуродов, Алёша Ли ҳам мусобақада муваффақиятли иштирок этишди. Катта ёшдаги теннисчилар ичидан Владимир Ким, Александр Ли, Андрей Кимлар энг яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Миллионлар ўйини бўлган футбол мусобақалари ҳам ўзига хос тарзда бошланди. 1990-1991 йилда туғилган футболчилар учрашувида Оққўрғон туманидаги «Озод» ширкат хўжалигининг ёшлари барча жамоалар устидан ғалаба қозонди. «Оққўрғон» ҳамда «Султонобод» жамоалари эса, шохсупанинг кейинги ўринларидан жой олдилар. Энг яхши футболчилар номига Азиз Жамолдиннов, Фаррух Маматов, Камол Музаффарзода, Достон Пўлатов сазовор бўлишди. Ҳасан Худойбердиев эса энг ёш футболчи, дея эътироф этилди.

Мусобақа сўнггида ҳомий ташкилотлар томонидан барча иштирокчиларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

Хуршида НАЗАРОВА.

Рахманинов мусиқаси янграмоқда

Буюк рус бастакори Сергей Рахманиновнинг энг яхши асарлари Ўзбекистон Давлат консерваториясининг катта залда бўлиб ўтаётган мусиқий кечалар дастурига киритилди. Бу кечалар «Росзарубежиентр»нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан биргаликда ташкил этилди.

Бир ой давомида ўтказилган олти мусиқий кечада мумтоз мусиқа ихлосмандлари С.Рахманинов бой меросининг турли қирралари билан танишадди. Республикаимизнинг етакчи мусиқачилари,

қўшиқчилари ва бадий жамоалари, консерватория талабалари ижросида бастакорнинг концертлари, вокал ва фортепьяно учун асарлари, операларидан парчалар, романслари янграйди.

Сергей Рахманиновнинг лирик туйғу, мардлик, оли-

жанобликка бой мусиқаси, нафақат профессионал мусиқачилар, балки мумтоз санъат ишқибозларига ҳам яхши таниш. Бастакор ижодига бағишланган кечаларнинг ўтказилиши Ўзбекистон Давлат консерваторияси амалга ошираётган аҳоли ўртасида мусиқа санъатининг турли йўналишларини тарғиб қилиш дастурига қиради.

Ў.А.

Буни ҳаёт дейдилар



си елкасини дол қилган юмушларни эслашга юраги дов бермайди. Ҳатто, бозор-ўчаргача шўрлик кампир қилиб берар экан. Хотини Нафиса на ишда бор, на ақлда. Нима қилсин, навқирон ёшида ўт бўлиб суйгани шу қиз бўлди. Мана, бир эмас, беш болани туғиб бериб, бира-

рининг юз-кўзларини ювиб, чойнон берди. Қорни тўйган болалар онасини уйғотишга кириб кетишди. Шунда ичкаридан дағдағали овоз эшитилди:

— Итга ўхшаб акиллайвермасин бувинг, сенларга уйғот дейтимми?

Кампир бу гапни эшитиб

БАРАКАНИНГ КАЛИТИ

Бу кўхна дунёда инсон зоти борки, унинг ягона отаси, ягона онаси бўлади. Фарзанд учун ана шу кишилардан азизроқ, яқинроқ, меҳрибонроқ зот йўқ. Шу боис, ўғилдор, қиздор, албатта, ота-онага суйнади. Ҳар дамда, ҳар қадамда уларга орқа қилиб яшайди.

Абдуҳамид бу ҳақиқатни энди тушуниб етаяпти. Кекса онасининг қазо қилганига бир йилдан ошди. Онаси уйдаги бор қутбаракани, файзу ҳаловатни ўзи билан олиб кетгандек. Келувчиларнинг ҳам оёғи тортилган. Рўзгоридан тартиб ариган. Бошини чангаллаганча хаёлга чўмган Абдуҳамид энг бебаҳо бойлигини бой бериб қўйганини энди англади. Аммо, кеч очилган кўзлар, сўнгсиз пушаймон унга ана шу бойлигини қайтариб бермаслиги ҳам кундай равшан. Аламини ичкиликдан, хотини билан жигиллашишдан олади, холос.

Ҳа, мол қараган, экин-тикин эккан, супур-сидир қилган, бола қараган, кир ювган, нон ёлган... Йўқ, нобакор ўғилнинг энди она-

тўла ботиғига ботиб кетди. Меҳрибонидан айрилиб чойни ҳам дамлаб ичаётган Абдуҳамид ичидан яна хотинини яниб қўйди. «Урсаям одам бўлмайди, бу...». Кампир борида хотини ойдай балқиб юрган экан, сал ўтмай тўзиди-қолди. Шундаям қайнонасининг саховатини эслармикан?!

Нафисанинг қўлидан тили чаққон. Боёқиш қайнонаси унинг не не гапларига чидади. «Қайтар дунё болам, сал орқа-олдинга назар ташла. Тўрадай келиб, тўрадай кетмасан», дерди онаизор.

Бир кун беш ёшли набираси онага савол берди:

— Буви, сиз «бобов»мисиз?

— Нима? — кампир илкис тушунмади. Бола сўровини такрорлагач, ичи ириб сўради: — Ким айтди?

— Опам...

Яна бир гал бундан баттар бўлди. Келин эри ишдаликда пешингача ухлади. Шўрлик кампир инқиллаб-синқиллаб икки говмушни соғди, ҳовли юзасини супуриб-сидириб, сут пиширди. Бирин-кетин уйғонган набирала-

бир қалқиб тушди. У кўрнамак келинини ёзғирмади, «ит бўлгани»га ўқиниб кетди. Аслида уйғотишга ҳеч кимни киритмаган эди. «Кел, қўявер, кечаси бешикдаги боласи кўп йиғлагандир-да», деб индамай, саксонни қоралаб қолсада, юмушларга уннаб кетар эди.

Кампир ўлиб, набиралар касалдан, Абдуҳамиднинг боши ғалвадан чиқмай қолди. Нафиса эса, ўзи учун минг ўлиб-тирилиб, елиб-югурмасин, ишлари ўлда-жўлда, пала-партиш, ҳеч нарсанинг ўрни тўлмайди. Бу парокандаликни яна уялмай-нетмай атрофдагиларга:

— Топган-тутганимиз қайнонанинг маъракаларига кетди, — дея шарҳлаб беради.

Қайнона ўлимлигини керагидан ортик тахт қилиб қўйганини атрофдагилар кошки билишмасан?! Олдиндан оққан сувнинг қадри бўлмайди. Қадри бўлганида у бевақт қуримасиди?!

Нигора ЖАЛОЛИДДИН
қизи.

Спорт

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЧИҚА ОЛАДИМИ?

Футбол бўйича миллий терма жамоамиз яқинда "А" саралаш гуруҳида биринчи ўринни эгаллаб, келаси йили Хитойда бўладиган Осиё чемпионати финал кўлимига йўллангани кўлга киритган эди.

XVIII жаҳон чемпионати саралаш турнирларида иштирок этиш учун ФИФАга 197 миллий федерация мурожаат қилди. Бирок муайян сабабларга кўра қуръа ташлаш маросимига 156 федерация иштирок этди. Франкфуртда ташкил этилган бу маросим Осиё китъасидан бошланди. Қўлга футбол конфедерациясига (ОФК) кирқ тўртта мамлакат аъзо бўлиб, шундан 39 таси жаҳон чемпионатида чиқиш учун омадини синаб кўради.

Минтақамизда иккинчи саралаш босқичи 32 терма жамоа ўртасида ўтказилди. Аввал энг кучли саккиз терма жамоа - Ўзбекистон, Эрон, Япония, Хитой, Бирлашган Араб Амириклари, Бахрайн, Жанубий Корея ва Саудия Арабистони алоҳида гуруҳларга ажратилди, кейин уларга қолган жамоалар қўшилди.

Миллий терма жамоамиз иккинчи саралаш босқичининг иккинчи гуруҳидан жой олди. Энди футболчиларимиз Ироқ, Фаластин ҳамда Хитой Тайпейи футболчилари билан куч синашади.

Гуруҳида биринчи ўринни эгаллаган саккизта терма жамоа кейинги босқичга йўлланма олади. Ҳал қилувчи босқичда терма жамоалар тўрттадан икки гуруҳга бўлиниб беллашади. Ҳар бир гуруҳдан дастлабки икки погонани эгаллаган терма жамоа тўғридан-тўғри жаҳон чемпионати финал кўлимида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади. Учинчи ўриндаги жамоалар эса ўзаро куч синашди, голиб чиққани Шимолий ва Марказий Америка ҳамда Кариб зонаси - КОНКАКАФ вакили билан бўладиган учрашууда куч синашади.

Ў.А.

Саломат бўлинг

Бўқоқ касаллиги ва унинг олдини олиш

Ички секреция безлари орасида қалқонсимон без гоят муҳим вазифани ўтайди. Бу без ҳикилдоқ остида жойлашган бўлиб, ҳомиладорликнинг 8-9-ойларида она қорнида батамом етилган бўлади. Бола бир ёшга кирганда, безнинг оғирлиги 1-2 грамм бўлиб, ўсиш жараёнида катталашиб боради ҳамда 20-25 граммгача етади. Одамнинг ўсмирлик давридан бошлаб кўп гармонлар ажрала бошлайди. 50 ёшга бориб, гармон ажралаши сусаяди. Озиқ-овқат маҳсулотлари орқали танага йоднинг кам миқдорда тушиши оқибатида қонда тиреоид гармонлари кам миқдорда бўлиши кузатилади. Тиреоид гармонлари миқдорининг камайиши гипотизининг жавоб реакциясини ва тиреотроп гармон секрециясини кучайтиради. Натияжада қалқонсимон без фаолияти бузилади. Йод этишмаслиги оқибатида қалқонсимон безнинг кат-

талашиши ва катта ёшли кишиларда дармонсизлик, нафас сиқиши, қувватсизлик, толиқиш, уйқучанлик, айрим ҳолларда тугунли «бўқоқ» ҳосил бўлишига, бу эса рақ касаллигининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Касаллик оқибатида эркакларда гипотиреоидизм, ақлий ва жинсий заифлик кузатилади.

Маълумки, республикаимизнинг тупроғи, суви ва озиқ маҳсулотлари кетракли ва етарли даражада йод миқдорига эга эмас. Шу сабабли йод танқислиги оқибатида келиб чиқувчи касалликларнинг олдини олиш мақсадида йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш керак бўлади. Ҳозирги кунда озиқ-овқат маҳсулотларини йодлашда, асосан ош тузини йодлаш кўпгина қулайлик келтиради.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан, йодланган ош тузини

ишлаб чиқаришдан, то истеъмолчига етиб боргунча 20 фоизга камайиши, овқат тайёрлаш жараёнида яна 20 фоизга камайиши ва ҳар бир киши учун бир суткалик ош тузи 10 граммни ташкил этишини эътиборга олиб, ҳар бир кишини 1 суткада 150 мкг йод моддаси билан таъминланиши учун ош тузига йодли калийдан 20-20 г/т ёки 34-66 г/т йодат калий қўшилиши талаб қилинади. Йод бирикмалари олдин эритилиб кейин қадокланаётган тузга пуркалади. Ҳозирги кунда республикаимиз ҳудудларида ишлаб чиқарилаётган «Лаззатли ош тузи», «Орзу», «Темпо» сингари ош тузларида йод миқдори етарли деб топилган.

Ундан ташқари, ёнғоқ, хурмо каби мевалар, балиқ ва тухум маҳсулотларини истеъмол қилиб туриш бўқоқ касаллиги олди олдинишининг энг қулай усулидир.

Фарида КОМИЛОВА,
Саломатлик институти
Тошкент вилояти филиали
услубчи шифокори.

ОВҚАТ ВАҚТИДА ЎҚИМАНГ

Овқатланаётганда китоб ёки газета ўқилса, ҳазм безлари иши ва меъда шираси ажралаши секинлашади, иштаҳа йўқолади, одам еган овқатидан лаззат олмайди. Одам таомни еб туриб, бирор нарса ўқиганида луқмани чала-чулпа чайнаб ютади. Бу ҳол кўп такрорланаверса, гастрит, яра касаллиги, меъда ости бези яллиғланишига олиб келиши мумкин.

Овқат вақтида ўқиётган одам назарини дастурхондан ўқиётган матнига тез-тез олишга мажбур бўлади, бунда матн билан дастурхон орасидаги масофа кескин ўзгаришидан кўз олазарак бўлади. Кўзларга оғирлик тушаверса, вақт ўтиши билан улар хиралашиб қолиши мумкин.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, дастурхон устида бирор нарса ўқиб ўтириш атрофдаги кишиларга, овқат пиширишга вақтини, кучини сарфлаган одамга нисбатан ҳурматсизлик ҳамдир. Овқатланиш маданияти умумий маданиятнинг бир қисми эканлигини унутманг.

К. ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Ҳатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бoshқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва соҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.